

Ақийда дарслари (53-дарс). Имом Ғаззолий ва ботиния



15:04 / 30.09.2019 4972

Ўша даврда ботинийлар ҳам ўз фикр ва таълимотлари ила кўпчиликнинг эътиборини қозонган эди. Хусусан, ёшлар ва толиби илмлар ботиний таълимот ва гапларга кўп мафтун бўлган эдилар. Ботинийлар ўз илмларини маъсум имомдан олишларини даъво қилар эдилар.

Имом Ғаззолий фалсафадан умидни узганларидан кейин, ҳақиқат излаб ботиния томон юзландилар. У киши ўз одатларича бу мазҳабни ҳам чуқур ўрганиб чиқдилар. Охири бориб, уларнинг гапларининг барчаси ҳам сариқ чақага арзимаслигини тушуниб етдилар ва ўз китоблари билан бу мазҳабнинг ҳам шармандасини чиқардилар. Бу борада имом Ғаззолий бир неча китобларни тасниф қилдилар:

1. «Ал-Мустазҳирий».
2. «Хужжатул ҳаққи».
3. «Мафсалул хилоф».
4. «Қосимил ботиния».
5. «Мавоҳимул ботиния».

Имом Ғаззолий ўзларининг «Ал-Мунқиз миназ-Золал» номли китобларида ботинийлар ҳақида жумладан, қуйидагиларни айтадилар:

«Уларда фикрлар зулматидан нажот берувчи шифодан ҳеч вақо йўқ. Улар билан мураса учун муомала қилиб, таълимга ва маъсум имомга эҳтиёж борлигини тасдиқлаб, тайин қилган имомларини сўрасак, далил келтиришдан ожиз қолдилар. Сўнгра улардан ўша маъсумдан олган илмлари ҳақида сўрадик ва баъзи ишколларни арз қилганимизда, жавоб бериш у ёқда турсин, масаланинг ўзини ҳам тушуна олмадилар. Ожиз қолганларидан кейин масалани ғойиб имомга оширдилар ва: «Унинг олдига сафар қилиш зарур», дедилар. Ажабланарлиси, улар умрларини йўқ муаллимни ахтариш ила зое қилганлар ва бирор нарсани ўрганмаганлар. Худди нажосатга ботиб қолиб, тозаланиш учун сув излаб, уни топганда ишлатмай, ифлосликнинг ичида қолаверганларга ўхшайдилар».

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан